



Бугунги ўзбеклар, Шайбонийхон ўгилларининг ўз-беклари Мовароуннахр ва Хоразмга Жўжи улусининг бутун муассасалари ва ташкилотлари билан келган эдилар. Хатто ҳукуматда кабилаларнинг эгаллаган ўринлари ҳам кўпайганди. Ўзбеклар темурийларни енгар экан, ҳар ерда ўзларининг ташкилотларини ўрнатдилар.

Шундай қилиб, Олтин Урданинг «ич эли» ҳисобланган ва саройга яқин ҳамда яхшигина маданиятли унсурлар ҳам келган эдилар. Бунинг ила баробар Мовароуннахрга келган шайбонийлар, тарихчи Ўтамиш Хожининг таъбирига кўра, эскидан «Ўзбек эли»... мангитларнинг ўтрок улуслари яшамокда бўлган Туронзаминда, том маданий қисм заминда ҳоким бўлган халқдир. Маркази «Ок кўл», «Чалқар кўл» бўлган Тўрғай вилояти шайбонийлар кўлига ўтган. Илгари бу ерларни, кейин Сирдарёнинг нариги чегараларини ва 1431 йил-дан Хоразмда умр кечирган Абулхайрхон «Турон ва бошқурт» тарафларини шайбонийлар кўлидан ва Ғарбий Сибириyani Махмудбекхоннинг кўлидан олган эди. Бу зот давлат идорасини Жўжи улусининг жануб ва шимол тарафидаги зироат сохаларига қаратиб, ўтрок ўлкаларга айлантирмок сиёсатини тарғиб этган эди. Зотан, замоннинг буюк олимларидан Хусайн Хоразмий бу хоннинг номига атаб туркча гўзал бир асар — «Қасидаи Бурда»ни ёзган эди. Масъуд Кўхистоний деган бир одам ҳам унинг ҳаётини тавсиф этган бир форсий тарих китобини битган экан.-

Ўзбекларнинг катта бир қисми XVI асрда Зарафшон хавзасида ва Хоразмда ўтрок ва дехқончилик ҳаётига ўтди. Булар яна Сирдарё хавзасида ва Турон тарафларида яшаган вақтида ўтрок ҳаётга ўтаётган бўлсалар керак. Шайбонийхон эса Сирдарё ила Аштархон орасида етишган бир султондир. Шайбонийдан кейин Мовароуннахрга келган авлодларидан Маҳди ва Ҳамза султонлар илгари Туронзаминнинг қалъа ва истехкомларига ва маъмур қисмларига эга бўлган Бахтиёр султоннинг ўгиллари эди. Улар билан келган ўзбеклар сўнги темурийлар замонида келганликлари айтиб ўтилади. Кабила тузилишига кўра «Ўзбеклар»ни ҳар ерда тўксон икки бов узбек деб атайдилар. Бов — бу кабила демақдир.

Бошқуртлар ичида шундай бов бор: «Ўн икки бовли бошқурт» дейдилар. Ўзбекларда 92 кабилавий бир «Насабнома» бор-дир.

«Насабнома»нинг XVI—XVII асрларда ёзилган нусхалари билан янги нусхалари орасида фарк жуда оз. (Масалан, Охунд Курбонали ва Хаников ҳамда Шайх Сулаймон нашрлари). Шубха йўқдирки, «Насабнома» ўзбекларнинг Олтин Ўрда замонидаги янги Мангит — Нўгой ва козоклар айрилмасдан илгариги ҳаётига оиддир. Бу қабилалар шулардир:

Минг, Юз, Кирк, Унгажит, Дайман, Кипчок, Аргин, Бурлок, Буслок, Чемарчин, Бўзай, Катай (Хитой), Жит, Жуют, Салжовут, Мангит, Кангит, Оймавут, Улажи, Гулеген (?), Кишлик, Томо, Мечет, Кирдери, Рамадан, Жуйрат, Бўзажи, Уйсун, Татар, Тилов, Ширин, Агир (Огиран), Бузан, Бузак, Барин (Бахрин), Мўгул, Нукус, Жалойир, Сарой, Ўнг, Кўнгирот, Олчин, Чичок, Калмок, Ойрат, Корлук, Тургавут, Катагон, Килечи, Кенагас, Бўйрак, Киёт, Канггли, Ўзже бўлуи, Упулачи, Гулун, Боёвут, Ўтарчи, Арлот, Керайит, Ўнгкут, Качат, Меркат, Буркут, Куралаш, Карлоп, Ўглон, Кудей, Туркман, Дўрмон, Тобин, Мумун, Адай, Тўксаба, Киргиз, Уйружи, Жўрга, Баташ, Кўйсун, Сулдуз, Тумай, Кўрлавут, Жилкаш, Югур, Ёбу (Екабу), Мўйтан, Мажор, Кўжалик, Чўран, Чурчут.

Бу айтилган қабилаларнинг 33 қабиласи мўгул қабилаларининг, бошқалари эса Жўжи улусидаги бутун машхур турк қабилаларининг бир қисмидир. Бизга бугун номаълум бўлган қабилаларнинг номидир. Ўзбеклар келмасдан аввал Мовароуннахрда яшаб, сўнг уларга араллашиб кетган Барлос, Ковчин қабилалар бу орада йўқдир. Зикр этилган 92 қабиладан 45 қабиласи бугун ўзбек ҳаётига оиддир. Айтилган мўгул қабилалари эса албатта Жўжи улусига келган мўгул қабилаларининг ташкил қилган монголлардир. Монголча аталган қабилаларнинг катта қисми бу ерда, Мовароуннахрда ва Хоразмда яшайдилар. Анъана шаклидаги бу «Насабнома» бизга Мовароуннахр ва Хоразм ўзбекларининг мазкур рўйхатга кирган тўла қабилаларини, шу билан бирга Олтин Ўрданинг асл истинодгоҳи бўлган бутун қабилаларни кўрсатувчи ва барча ташкилотларнинг ҳаммасини Мовароуннахрга баробар дахлдорлигини намоён этса керак. Қабилаларнинг бугунги бўлиниши эса қуйидагича:

1. Кўнгирот қабиласи. Бунинг катта аймақлари беш тармоқ бўлиб, биринчиси: Конжигали. У 14 тармоқдан иборат: Ўрис, Қоракурсок, Чўллик, Қуён, Қулдовли, Милтек, Кўр тўғи, Гала, Тўпқора, Қорабўз, Нўгой, Билгалик, Дўсталик, Иккинчиси: Уюли аймағи. 9 тармоқдан иборат: Оқ тана, Қора Чўран, Туркман, Қувук, Бешбола, Қорақалпоқ, Қажай, Хўжабача; учинчиси — Қўштамғали аймағи 9 тармоқдир: Қўлоби, Бармоқ, Қўжахўр, Қўл-Чўб ургон, Қарақалпоқ. Қўштамғали, Сафарбиз, Дилбари, Қажакли; тўртинчиси — Оқтамғали аймағи 7 тармоқдир: Тортувли, Оғамайли, Ишиқоли, Қозончили, Ўйқули, Бўқачли, Қиёғали; Бешинчиси — Қир аймағи беш тармоқдир: Қузили, Қўсағли, Терс, Баликли, Қуба.

Кўнгиротнинг бутун уруғи шўбалари-тармоқлари Амударё хавзасида, Бухоронинг Қузор, Шеробод, Қўргонтепа вилоятларида бўладилар. Бухорода қўчманчи умр

кечирадилар. Хоразмдагилар эса ўтрокдирлар.

2. Найман кабиласи, бунинг аймаги учта: Кўштамгали, Увактамгали, Садир. Хоразм ва Самарканд атрофида бўладилар.

3. Кенагас беш аймокдан иборатдир: Каюрасали, Карокли, Очамайли, Жиккут, Абокли. Булар Хива ва Шахрисабз атрофида бўладилар.

4. Мангит, уч аймокдан иборатдир: Тўк мангит, Ок мангит, Кора мангит. Булар Хива ва Карши атрофида бўладилар.

5. Туёкли. Самарканд ва Каттакўргон туманларида бўладилар.

6. Мўйтан. Самарканд ва Каттакўргон туманларида бўладилар.

7. Сарой. Шахрисабз, Яккабоғ ҳудудида ўрнашган.

8. Борин. Фаргона вилояти ва Каттакўргон туманида яшайдилар.

9. Хитой.

10. Кипчок. Самарканд, Каттакўргон туманла-рининг муҳим жойларини эгаллаганлар. Хива ва Фарғонада булар озчиликни ташкил қиладилар.

11. Минг. Самарканд, Панжакент, Жиззах тарафларида ва Фарғонада бўладилар.

12. Уч уруг: Мисит, Томо, Ебу. Бухоронинг Зиёвиддин ҳудудида яшайдилар.

13. Буркут. Челак ва Кармана атрофларида.

14. Арлот. Коракўлда.

15. Кангли. Жиззах ҳудудида.

16. Кирк, Юз, Минг, Жиззах туманида.

17. Баташ. Карши, Гузор тарафларда яшайдилар.

18. Коракалпок беш аймокдан иборат: Коракўйли, Кора сингир, Оймавут, Истек, Очамайли. Булар Амударё хавзаси ва Самарканднинг шимолида Октепада бўладилар. Ўзбекларнинг эски шеваларини ва одатларини ўзига хос тарзда саклаганлари, асосан Жиззах туманида бўладилар (Кирк, Кангли, Солик, Турк, Туркман, Найман, Мангит, Китойюз, Сулокли, Туёкли, Олача, Буркут, Серкали, Баймокли, Жалойир, Киргиз, Юз, Куён туёкли, Парчаюз, Карабча, Кушчи, Урокли, Тўкжори, Кўштамгали, Сарой, Конжигали). Факат бу қабилаларнинг нуфузи жуда оздир. Шаркий Бухорода кўчманчилик ҳаётини тўла тарқ этмаганлар Душанбе атрофида «Лакай», «Марка кичик юз», Файзобод атрофинда «Карлук» қабилалардир.

XIX аср бошларида хиндистонлик Мир Иззатуллоқ тарафидан афгон Туркистонидаги Ўзбеклар ҳақидаги тартиб этилган жадвал бироз эътиборга молик. Бунга кўра, у ердаги қабилалар қуйидагилардир. Шибиргон яқинидаги Сарипулда Минг қабиласининг Очамайли аймаги; унинг ёнида Сайёд деган жойда Очамайли ва Қазайогли, Минг, ундан қуйироқда Кипчок уруги, Кундузда тамоман Катагон, Балх ҳудудида Сарой ва Мўйтан уруглари, Бадахшонда Эшқамиш ва катагонларнинг Бурга ҳамда Тимиш номи аймаклари яшайдилар. Норинда Чигатой уруги. Мир Иззатуллоқ Мўйтан ва Катагон уруғларининг аймақларига оид белгиларни беради. Мўйтан етти аймақдир: Тиликхона, Қўрмишли, Қазайогли, Чагар, Сум, Окшайик, Чучен, Катагон уруги эса уч аймақдир: Беш қабан, Салжовут, Тўрт ота. Беш қабаннинг тўрт бўлаги бор: Лакка (Лакай), Янги Катагон, Кесмавир, Каён, Манас. Кесмавирнинг тўрт тираги бор: Ок тоғлик, Андижони, Қаласи, Бумин. Манаснинг уч тираги бор: Темиш, Сарбагиш, Бурга. Тўрт отанинг тўрт бўлаги бор: Сарик Катагон, Чурок, Бошсиз, Мардод. Чурокнинг икки тираги бор: Киз отизи, Шўланг. Мардоднинг уч тираги бор: Иучата, Бўзон, Жўтудук.

Ўзбек қабилари ичида аристократ — «Бекзод» лақабини олганлар бор. Булар хонларнинг тахтга чиқиши ва мамла-катни бошқаришда фаол иштирок этганлар.

Булардан Хива-да Киёт-Кўнгирот, Йўгур-Найман, Кангли-Кипчок, Нукус-Мангит кабилалари, Бухорода эса шайбонийлар замо-нида Кўшчи, Найман, Карлук, Бўйрак кабилар. Мангитлар замонида (Радловга кўра) Минг, Арлот, Борин, Баташ уруглари маъруф бўлмишлар. Катагонлар даврида «Бек-зод»лар сайлаганлар. Уруглар ичида Туёкли, Мўйтан, Хитой, Мангит ва Кўнгиротларнинг Бухородаги аксарияти Дашти Кипчокдан энг кейин келган уруглардир. Булар илгариги Мангит-Нўгой, Козок хайъатларига дохил бўлиб, кейинча-лик Мовароуннахрга келганлар.

Заки Валидий